

Қрим ҳукумати тарихий мадрасани диний бошқарма ихтиёрига қайтарди



11:10 / 22.05.2019 2506

Қримнинг Боқчасарой шаҳрида 1500 йилда қурилган ва диний мажмуа таркибига киритилган «Занжирли мадраса» Қрим мусулмонлар диний бошқармаси ихтиёрига ўтказилди. Бу ҳақда Islam today хабар беради.

Маълум бўлишича, бу ҳақдаги қарор Республика Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган. 1500 йилда Менгли Қаҳрамон томонидан асос солинган ушбу мадраса Россия ҳудудида сақланиб келинаётган энг қадимий исломий диний мактаблардан ҳисобланади.

Ушбу мадрасада ислом дунёсида машҳур бўлган кўплаб олимлар таълим олган. Мадрасада исломий фанлардан ташқари араб тили, фалсафа, ҳуқуқ, математика, астрономия каби фанлар ҳам ўқитилган. «Бу ерда 1870 йилларда машҳур жамоат арбоби Исмоил Гаспирали (Исмоил Гаспринский)

ишлаб, дарс берган», деб ёзилган Қрим муслмонлар диний бошқармаси ахборотида.